Дўзах аҳлининг икки тоифасини ҳали кўрмадим: қўлида сигирнинг думига ўхшаш қамчиси бор, улар билан одамларни урадиганлар ҳамда кийим кийган яланғоч аёллар, йўлдан оздирувчи ва йўлдан озувчи аёллар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзах аҳлининг икки тоифасини ҳали кўрмадим: қўлида сигирнинг думига ўхшаш қамчиси бор, улар билан одамларни урадиганлар ҳамда кийим кийган яланғоч аёллар, йўлдан оздирувчи ва йўлдан озувчи аёллар. Уларнинг боши худди туянинг қийшайган ўркачига ўхшайди. Улар жаннатга ҳам кирмайди, унинг ҳидини ҳам ҳидламайдилар. Ваҳоланки, унинг ҳиди фалон-фалон масофадан келиб туради», – дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз даврларида йўқ, лекин кейин пайдо бўладиган дўзах аҳлидан бўлган икки хил одамлардан огоҳлантирмоқдалар. Биринчи тури: Қўлларида сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бор. Улар золимларнинг тан ходимлари ва ёрдамчилари бўлиб, инсонларни ноҳақ урадилар. Иккинчи тури: Иффат ва ҳаё либосини ечган аёллар. Ваҳоланки, аёлларнинг фитрати ҳаё устига қурилган бўлса ҳам. Бундай аёлларнинг сифатларидан: Ўзи кийинган, аммо, маънавий жиҳатдан ялонғоч. Чунки улар чиройларини кўрсатиш учун таналарининг баъзисини ёпиб, баъзисини эса очиб турадиган тор кийимларни киядилар. Ўзларининг кийимлари, аста юришлари ва елкаларини очишлари билан эркакларнинг қалбларини ўзларига мойил қиладиган хамда бошқа аёлларни ҳам тўғри йўлдан оздириб, ўзлари тушган залолатга етаклайдиган аёллар. Яна уларнинг сифатларидан: Рўмолларини туянинг ўркачига ўхшатиб ўрашларидир. Улар рўмолларини (ичидаги сочларини) тепа томонга кўтариб, бошларини катта қилиб кўрсатишади. Туянинг ўркачига ўхшатилишининг сабаби, сочларини дўмпайтириб, бошларига ўраб оладилар. Сўнгра ўраб олган сочлари туянинг уркачига ўхшаб бир томонга оғиб туради. Қайси-ки бир аёлда ушбу сифатлардан бири бўлса, юқорида зикр қилинган жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламаслик ва унга яқинлашмаслик таҳдиди остига тушади. Ҳолбуки, жаннатнинг ифори узоқ масофадан сезилиб туради.